

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 3 май  
сешанба  
№ 16 (1324)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

“Тўйимиздан кейин сен билан бунчалар тез айриламиз деб ўйламаган эдим. Лекин тақдир шу экан. Сабр қил азизам, хадемай қайтаман ва бир умр бирга, бахтли яшаймиз...”

## 9 МАЙ —


# Хотира ва қадрлаш куни

“Ўғлим, ҳовлимиздаги ўрикнинг довуччаси бу йил қандай? Худо хоҳласа ўриклар пишганида ўйимизда бўламан, галаба кунларига оз қолди.”

“Танкада қийналмаясанми?” деб сўраб-сиз. Йўқ, танк ҳам трактор ҳайдагандай гап экан. Яқинда мени танкчилар командир эди тайинлашди...”

“Сиз тикиб берган халтачада Ўзбекистон тупроғини ёнимда олиб юрибман. Худо хоҳласа, галабадан кейин табаррук тупроғни ҳовлимизга сочиб, деҳқончилик қиламан.”

Укамга ёздирган хатингиз келган кунни роса хурсанд бўлдим. Хатингизни қайта-қайта ўқиб, ахиридаги бармогингиз босилган жойини икки-уч марта кўзимга суртиб, ўпдим.



### Зулфия ая Зокирова

“ТОШКЕНТ вилояти, Зангиота туманидаги “Хонобод” қишлоғида Зулфия ая Зокирова исмли бир мўътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил ожиз. Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач Зулфия ая беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказган.

Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан — Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган. Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, яқсон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қахрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожиали қисматга беш марта кўксини қалқон қилиб, беш марта ҳам мардона оёққа турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин сабр-бардош бўлиши керак!”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

“Онажон, кутинг, тез кунларда Сизга рўмол олиб бораман. Кейин яна битта рўмол оламан, бу — бўлгуси келинга...”

“Биз ўзбекистонликлар бу ерда жуда аҳилмиз. Бир-биримизга елкадош бўлиб жанг қиляпмиз. Биз Ватанни ҳимоя қиляётганимиздан фахрланамиз. Бизни дуо қилиб турингизлар.”


“Ўтган хатингдаги баъзи қаторларнинг сиёҳи чаплашган экан. Бу сенинг ёки онамининг кўз ёшидан бўлса керак. Йилламанлар, ёвни енгиб қайтамыз...”

“Укамга ёздирган хатингиз келган кунни роса хурсанд бўлдим. Хатингизни қайта-қайта ўқиб, ахиридаги бармогингиз босилган жойини икки-уч марта кўзимга суртиб, ўпдим.”

“Оқшом бизда ёмғир ёғади. Ёсингдами, сен билан ёмғирли кунда танишгандик. Ҳар доим ёмғир ёкса сени эслайман.”

“Ўғлим, энди улгайиб қолдинг. Мен йўқ-лигимда сен оила бошлигсан. Буvingга, онанга, укаларингга гамхўр бўл. Сен билан фахрланаман.”





### БУЮМЛАРИМ МУСОДАРА ҚИЛИНДИ, ЎЗИМ ИШСИЗ ҚОЛДИМ, НИМА ҚИЛАЙ?

— **МЕН зиёратгоҳ олдида ҳар хил тақинчоқлар, атторлик буюмлари сотиб тирикчилик қиламан. Шу йил 18 апрель кун Солиқ идораси ходимлари маъмурий баённома расмийлаштириб, нарсаларимни олиб кетишди. Менга эса, сотаётган буюмларим давлат ҳисобига мусодара қилинишини айтишди. Ўзим эса, ишсиз қолдим. Менга нисбатан огоҳлантирмай, дарҳол шундай кескин чора қилиниши қонунийми?**

— Давлат солиқ инспекцияси Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширганлиги учун сизга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси билан маъмурий баённома расмийлаштирган. Сиз бу ҳолатда Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиб, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтсангиз, сизга нисбатан бўлган маъмурий иш мазкур кодекснинг 271-моддаси 10-бандига асосан ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилгани сабабли тугатилади ҳамда нарсаларингиз қайтариб берилади.



### ДАРСДА ТЕЛЕФОН ЎЙНАГАНГА ЖАЗО БОРМИ?

— **МАКТАБГА ўқувчилар ўзлари билан қўл телефонларини олиб келишади. Дарс вақтида телефон ўйнаб, дарсга ҳалақит беришади. Шу ҳолатда ўқувчига қандай жазо қўлланилиши мумкин?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги 139-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан таълим муассасасига кириб келишда ҳар бир таълим олувчи ўз телефони абонентининг қақриув овозини тўлиқ ўчириб қўйиши шарт. Агар ўқувчи дарс вақтида телефондан фойдаланса, унга қуйидаги жазолар белгиланади:

- огоҳлантириш;
- кундалик дафтарига ёзиб қўйиш;
- ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) хабардор қилиш ёки тушунтириш суҳбати ўтказиш учун таълим муассасасига қақриш.

### ЎЙИМНИ ТАЪМИРЛАШГА МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИМИ?

— **“Аёллар дафтари”да рўйхатда тураман. Яшайдиган уйим таъмирталаб ҳолатда. Лекин таъмирлашга шароитим йўқ. Қандай қилиб уйимни таъмирлаш учун моддий ёрдам олишим мумкин?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”ни юриштириш орали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан сизга мод-

дий ёрдам ажратилади. Бунинг учун хонадонингиз жойлашган ҳудудга бириктирилган сектор раҳбарига ариза билан мурожаат қиласиз. Сектор ишчи гуруҳи томонидан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда уйингизнинг ҳолати ўрганилади. Шу бўйича далолатнома тузилиб, таъмирлаш материалларини олиб бериш бўйича смета ишлаб чиқилади. Уйингиз таъмири учун Васийлик кенгашига базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда маблағ ажратилади ва сизга моддий кўмак берилади.



### ОПЕРАЦИЯ УЧУН ТЎЛОВДА ИМТИЁЗ БОРМИ?

— **Мен “Аёллар дафтари”да рўйхатда тураман. Икки ой олдин оёғим шикастланганди. Оёғимни операция қилиш керак экан. Лекин рўзгоримиздан операция тўлови учун пул орттиролмаяман. Менга қандай ёрдам берилиши мумкин?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”ни юриштириш орали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан сизга имтиёз берилади. Мазкур Низомга кўра, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда туман тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан имтиёз берилиши кўзда тутилган. Шунга кўра, тегишли хулоса асосида тиббий муолажа харажатлари “Аёллар дафтари” жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади. Демак, сизга дори-дармон олиб бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача, мураккаб жарроҳлик амалиётлари амалга оширилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдордаги харажатлар тўлаб берилиши керак.



### КУЁВИМНИ ОТАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛМОҚЧИМАН

— **Қизимнинг оиласи нотинч, невараларим доим ҳадикда, кўрқувда яшашади. Куёвим гиёҳвандликка, ичкиликка берилган. У даволанса ҳам, шу пайтгача ўзгармади. Уни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчиман. Қонунда бу ҳақда нима дейилган?**

— Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига асосан куёвингиз оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Мазкур кодекснинг 79-моддасига асосан қуйидаги ҳолатларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа;
- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан

олишдан бош тортса;

- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;
- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;
- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

### НЕВАРАЛАРИМНИ БИЗГА КЎРСАТМАЯПТИ, НИМА ҚИЛАЙЛИК?

— **Ўғлим автоҳалокат сабаб вафот этди. Унинг 2 нафар фарзанди келинимда қолди. Келиним бошқа оила қуриб кетди. Невараларимни бизга кўрсатмаяпти, нима қилайлик, чорасиз қолдик? Боламнинг боласи менинг ҳам болам эмасми? Мен невараларим билан уруш-жанжалсиз, қандай кўришиб туришим мумкин? Бунинг қонуний чораси борми?**



— Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 77-моддасига асосан бобо ва бувилар бола билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга. Онаси бола билан кўришишига имконият бермаса, васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қиласиз. Васийлик ва ҳомийлик органи онасини болани сизлар билан кўришишга рухсат беришга мажбур қилиши мумкин. Агар онаси васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилади. Суд боланинг манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда бола билан учрашиш вақти ва муддатини белгилаб беради. Шу вақтларда невараларингиз билан учрашиб туришингиз мумкин.

### АЛИМЕНТ ТЎЛОВИДА ИМТИЁЗ БОРМИ?

— **Мен ҳеч қаерда қонуний тартибда ишламайман. Хунарим бор, одамларнинг уйини буюртма билан таъмирлаб, устачилик қилиб пул топаман. Қурилиш вақтида умуртқа поғонамдан жароҳат олдим. 8 ой ишлолмадим. Шу вақтда алимент қарздорлигим кўпайиб кетди. Шу вақт учун алимент пулини тўламасликнинг иложи борми?**



— Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 141-моддаси иккинчи қисмида “Агар суд алимент тўлаши шарт бўлган шахс касаллиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра алимент тўламаганлигини аниқласа ҳамда унинг моддий ва оилавий аҳволи йиғилган алимент қарзини тўлашга имкон бермайди деб топса, алимент тўловчининг даъвосига биноан уни алимент қарзларини тўлашдан тўла ёки қисман озод этишга ҳақлидир” деб кўрсатилган.



### САВОЛЛАРГА “МАДАД” ННТ ЕТАКЧИ МУТАХАССИСИ АБРОР ЭЗОЗХОНОВ ЖАВОБ БЕРДИ.

Шунга асосан касаллик вақтида тўпланган алимент қарздорлигини тўлашдан озод қилиш бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

### УЙГА ДАЪВОГАР БЎЛА ОЛАМАНМИ?

— **2015 йил суд орқали никоҳимиз бекор қилинди. Шу йили ФХДдан ажрим қоғозини олдим. Собiq турмуш ўртоғим никоҳимиз давомида уй сотиб олган экан. Мен бунинг 2022 йилда билиб қолдим. Шу уйга даъво қилишим қонунийми? Оила кодексининг 27-моддасида никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилиши белгилаб қўйилган экан. Шу ҳолатда нима қилишим керак?**

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Оила кодекси 27-моддасининг тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (яъни, ФХД органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шунга асосан агар сиз уй олинганлигини 2022 йилда билиб қолган бўлсангиз, ўз улушингизни олиш учун фуқаролик судига даъво ариза билан мурожаат қилишингиз лозим бўлади.

### НОГИРОНГА ҚАРАБ, ЁРДАМ БЕРГАНГА ИШ СТАЖИ ЁЗИЛАДИМИ?

— **Оила кургунимча беш йиллик иш стажим бор эди. Оилани бўлганимдан кейин ишламаяман. Қайнонам I гуруҳ ногирони. Уйда ёлғиз қолдиролмаймиз. Ногиронлиги бўлган шахсга уйда қараб, ёрдамлашиб ўтирган одамга қонунчилигимизда қандай имтиёз бор?**

— “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддаси “д” бандига асосан, I гуруҳ ногиронига қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 65-бандига асосан, қараб туришининг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотлар ва қараб турилган шахслардан, шунингдек, уларнинг қўшниларидан сўраб чиқиш асосида Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тузилади. Юқоридагиларга кўра, Сизга қайнонангизга қараб турилган вақт ҳисобига иш стажига қўшиб ҳисобланади.





ТОШКЕНТ

## ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҚАЕРДА АДАШДИ?

ФУҚАРО М.Ё.нинг меҳнат шартномаси таълим муассасаси томонидан бекор қилинган бўлса-да, компенсация тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан қонун доирасида ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, таълим муассасаси томонидан барча ходимларга икки ойдан сўнг меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш хати берилган.

Жумладан, муассасанинг буйруғига кўра, фуқаро М.Ё. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан бекор қилинган бўлса-да, ушбу кодекснинг 109-моддасига асосан ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш

белгиланмаган.

Холбуки, Меҳнат кодексининг 109-моддасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган кўйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши шартлиги кўрсатилган:

- иш берувчининг ташаббуси билан (ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно);

- тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, ушбу Кодекснинг 106-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатларга биноан Меҳнат шартномаси ушбу кодекснинг 106-моддаси 4-бандига биноан бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ҳодимнинг айби билан бузилган ҳоллар (суднинг муайян ла-

возимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳоказо) бундан мустасно;

- ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли (89-модданинг тўртинчи қисми).

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Иш берувчи яна бир қонунбузилишига йўл қўйган. Яъни, фуқаро М.Ё.га буйруқ нусхаси ҳамда меҳнат дафтарчасини олиб кетиш ҳақидаги хабарнома ҳам муассаса томонидан бир ой ўтиб почта орқали юборилган.

Меҳнат кодексининг 108-моддаси ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда рўйхатдан ўтказил-


ган “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 3.1-бандига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

Аниқланган ҳолат юзасидан шаҳар адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан фуқаро М.Ё.га меҳнат дафтарчаси кечиктирилган ҳар бир кун учун ўртача иш ҳақи ҳамда ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилди.

**Мавлуда БОБОРАИМОВА,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

САМАРҚАНД



## Ердан дарак йўқ, лекин солиқдан қарздорлик хабарномаси бор

ПАЙАРИҚ туманидаги “Накурт” маҳалласида яшовчи “Кўпкари майдон” фермер хўжалиги раиси Л.Кувондиқовга боғзор барпо этиш учун ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори қабул қилинган. Бироқ унга ер учун ижара шартномаси тузилмаган ва ер ҳам ажратиб берилмаган. Натижада фойдаланилмаётган ер учун асоссиз солиқ ҳисобланган. Бундан норози бўлган фуқаро туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра, Самарқанд туманлараро маъмурий судига Пайариқ туман Давлат солиқ инспекцияси ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисида даъво аризаси киритилди. Суднинг қарорига мувофиқ асоссиз ҳисобланган солиқ ундирилиши тўхтатилди.

**Нодир КАМИЛОВ,**  
Пайариқ туман адлия бўлими бошлиғи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

АДЛИЯ вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган “Соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ҳуқуқий акцияси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал маркази ходими А.Ю.нинг мурожаати ўрганиб чиқилди.

## Ўзбошимча ходим “ҳайфсан” билан сийланди



Ўрганиш давомида фуқаро А.Ю. 2014 йилда марказга кундузги акушерка лавозимига ишга қабул қилинган бўлишига қарамасдан, марказнинг жорий йил 21 февралдаги ноқонуний буйруғи билан унинг розилиги олинмасдан меҳнат шартномасига ўзгартиш киритилиб, тунги навбатчиликка мажбурий тартибда қўйилганлиги аниқланди.

Аниқланган ҳолатлар бўйича вазирлик томонидан ҳудудий перинатал марказига тақдимнома киритилиб, ноқонуний буйруқ бекор қилинди ҳамда ходим А.Ю. ўз иш ўрнига қайтарилди. Перинатал марказида қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйган кадрлар бўлими ходимига “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди.

**Есенкелди УТЕПОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

АНДИЖОН

44 НАФАР фуқаро Андижон шаҳар халқ таълими бўлими томонидан мактаблардаги кадрлар хизмати ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича лавозим разрядлари паст белгиланганидан норози бўлиб, шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилган.

## Кадрлар хизмати ходимлари нимадан норози?



Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимларининг айрим тоифаси меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядларга кўра, олий маълумотли ходимларнинг лавозим разряди — 7-разряд, олий маълумотли бўлмаган ходимларнинг лавозим разряди — 6-разряд этиб белгиланган.

Бироқ, мурожаатдаги важдар ўрганилганда, Андижон шаҳар халқ таълими бўлими томонидан мактаблардаги 44 нафар кадрлар хизмати ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича лавозим разрядлари паст белгиланиши натижасида жами 58 миллион сўмдан ортиқ ойлик иш ҳақи тўланмаганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижасига кўра, шаҳар адлия бўлими томонидан умумтаълим мактабларидаги 44 нафар кадрлар хизмати ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 58 миллион 644 минг сўм миқдорида тўланмаган иш ҳақини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига аризалар киритилиб, иш ҳақи суд буйруғи тартибда мажбурий тўланадиган бўлди.

**Озодбек ҒОФУРОВ,**  
Андижон шаҳар адлия бўлими бошлиғи



СИРДАРЁ

## ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОВОРАГАРЧИЛИККА САБАБ БЎЛДИ

ФУҚАРО М.Баймурзаеванинг фарзанди бундан 25 йил муқаддам, яъни 1996 йил 17 январда оламдан ўтган. Атиги 9 ой умр кўрган қизи Г.Турдибекованинг ўлим тўғрисидаги гувоҳномаси айрим сабабларга кўра расмийлаштирилмаган. Мазкур гувоҳнома ўз вақтида олинмаганлиги боис М.Баймурзаева нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида қатор муаммоларга дуч келган.

Оилавий шароити оғир, қарамоғида ногирон фарзанди бўлган, идорама-идора юриб, сарсонгарчиликдан чарчаган М.Баймурзаева қизи Г.Турдибекованинг ўлим тўғрисида гувоҳномасини расмийлаштиришда амалий ёрдам сўраб Янгиер шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мазкур мурожаат адлия бўлими томонидан қонун доирасида ўрганилди. Аниқланишича, Г.Турдибековага 1995 йил 21 апрель куни Янгиер шаҳар ФХДЁ бўлими томонидан туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилган. Бироқ, оғир касалликдан сўнг 1996 йил 17 январда вафот этган қизалоқнинг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси оила аъзоларининг эътиборсизлиги сабаб расмийлаштирилмаган. Ушбу ҳолат Янгиер шаҳар ФХДЁ бўлими архиви томонидан берилган маълумотномада ҳам тасдиқланган.

Г.Турдибекованинг Боёвут туманидаги “Дўстлик” қабристонига дафн этилганлиги гувоҳлар кўрсатмалари билан исботланди. Шундан сўнг, адлия бўлими томонидан фуқаро М.Баймурзаева манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан 1995 йил 16 апрелда туғилган Г.Турдибекованинг 1996 йил 17 январда вафот этганлиги факти белгиланди.

**Лазиз ХУДОЙҚУЛОВ,**  
Янгиер шаҳар адлия бўлими бошлиғи



УРУШ ва Тинчлик. Бу сўзлар бир-биридан шу қадар йироқ ва бир-бирига шу қадар яқинки... Бир нафасда кутилмаганда ҳамма нарса остин-устун бўлиши, бир лаҳзада тинчликнинг осмонини қора булутлар қоплаши мумкин. Битта дайди ўқ билан бутун бир миллатнинг юрагини ярадор қилиш мумкин. Ҳар қандай жоҳилликда, ҳар қандай қарама-қаршиликда ёмонликнинг, бузғунчиликнинг совуқ нафаси бор. Уруш ғалаба эмас, уруш ҳаммаша ёвузлик ва ёмонликдан далолатдир. Уруш адоватларда, вайронларда яшайди, беҳуда тўкилган қонларнинг уволида лаънатланади.

**Уруш — ўлим ҳайкали!**

# Урушнинг даҳшатли манзаралари

## ТИНЧЛИКНИНГ ТОМИРИ УЗИЛМАСИН!

Эссе

Худого шукур, уруш кўрмадик, аммо урушнинг касофатини, асоратини қалбимиз билан ҳис этиб тураемиз. Қайсидир олис ўлкада ўқ овози эшитилса, юрагимиз титраб туради. Урушнинг, ўлимнинг миллати йўқ. У кўрган одамни эмас, ҳатто эшитган одамни ҳам ярадор қилади, қалбини ўпириб юборади.

Украинада кечаётган уруш даҳшатлари барчамизни қанчалик ваҳимага солгани аниқ. Лавҳалардаги даҳшатларни кўриб худди уруш кўргандек бўлдик. Жангоҳдаги қонли лавҳаларни экранларда кўриб қалбимизни титроқ босгани рост. Даҳшатли портлашларда ота-онасидан айрилган болаларнинг фарёдлари, боласидан айрилган оналарнинг оҳлари, мунгли нигоҳлари, бошпанасиз, нону сувсиз, ҳеч нарсасиз, ҳатто Ватансиз қолган халқнинг афтода ҳолати ... ўлим чангалидан қутула олмаган аскарларнинг айрилмаган алвидолари... барчасида манфур ва ланъати урушнинг қўли бор.

Уруш кўрмаган кўнгли “ярадорлар”нинг жароҳатлари ҳам оғир...

### “Онам тирик бўлса бўлди...”

Украинада кекса онасини ёлғиз қолдириб бошқа давлатда ишлаётган қизнинг юрагида армон. Уйлари вайрон қилиниб, ертўлада яшаётган онасидан бирор хат-хабар йўқ. Йўллар ёпилган, алоқалар узилган. Афсус ва “онам тирик бўлса бўлди” деган хавотирда, ваҳимада қолган қизнинг аҳволига гувоҳ бўлган қизим “ойижон украиналик дугонамнинг изтиробларига, кўз ёшларига қараб гўёки урушни кўргандек бўлаяман... бундай вақтда урушнинг ёнингда ёки олисда бўлишининг аҳамияти йўқ экан...” деганида уни тушуниб, хушёр тортдим.

### Уруш кўрмаган “ярадорлар”

Ёши саксондан ошган бўлса ҳам, болалигини ўғирлаган уруш ҳақида гапирганда Камола опа Бакиеванинг томоғини аччиқ алам куйдиради: “22 июни — инсоният бошига оғир кунларни солган машъум уруш бошланган кунни даҳшатга тушган болалигим хавотирини билан эсга оламан. Мен ўшанда етти ёшда эдим. Оталаримиз ўша оқшомда уйга елкасида оғир юк, кўзларида чексиз мунг

билан кириб келгани, оналаримизнинг унсиз кўз ёш тўккани кечагидек эсимда.

Қишлоғимиздаги барча эркаклар, ёш-яланг йигитлар ҳам бир кечада урушга сафарбар қилинди. Отам Ҳисомиддин Хайриддинов ҳам Ватан ҳимоясига отланди. Қишлоқда фақат аёллар ва вояга етмаган болалар қолди холос.

Бир бурда нон топиш минг машаққатга айланди. Ўроқда ўрилган буғдойзор далалардан тушиб қолган бошоқларни ярим тунда ой ёруғида ўғринча теришга чиқардик. Бир бурда зоғора нонга етиш учун юрагимизни ҳовучлаб бошоқ терардик. Агар қўлга тушиб қолсак, тамом, қўлимиздаги буғдой бошоқлари ва уйимиздаги бир парча нонимизгача тортиб олиб кетишлари аниқ эди.

Урушнинг қайноқ нуқталаридан бошпанасиз қолган турли миллат вакиллари Ўзбекистонга олиб келинганди. Қишлоғимизга олиб келинганлар очликка чидай олмадан баҳорда гуллаган акация гулларини еганларини биламан. Очликка бардош бера олмадан қанча-қанча одамлар кўз ўнгимизда вафот этганди.

Орадан неча йиллар ўтди. Бахтиёр кунларга етдик. Элга, юртга шараф билан хизмат қилдим, эъзоз топдим. Аммо ўша болаликнинг туманли хотиралари, отамнинг урушдан абгор бўлиб, оғир ярадор бўлиб қайтгани юрагимдан асло ўчмайди. Отамга қўшилиб биз ҳам бутун умр “ярадор” бўлиб яшадик...”

### Афғон ноалари ортилган юраклар...

Жаҳон тарихида урушлар кўп. Афғон уруши миллионлаб бегуноҳ одамларнинг ёстигини қуритган машъум урушлардан бири сифатида тарихдан ўчмайди. Қўлига қурол ушлашни билмайдиган йигитларни совет армиясига хизматга чақирилган деган ёлғон алдов билан афғон жангларига улоқтирган собиқ совет тузуми темир тобутларда келган йигитларнинг товонини тўлашга ҳам ярамади. Ёлғизгина жигарбандининг тобутини Ўзбекистонга олиб келишганда, “болагинамнинг дийдорини охирги марта кўрсатинлар” деб фарёд қилган, қишлоқни ларзага солиб, темир тобутни очтираман деган онанинг юраги тўхтаб қолганида ... ўша тошбағир тузум томошабин бўлгани

рост. Афғон ноалари ортилган минглаб ана шундай юраклар ҳамон “ярадор”, ҳамон мажруҳ, ҳамон бағри қон...

### “Концлагерда кафансиз кетганлар...”

Мана бу қонли тарих саҳифаларини эса “Тафаккур” ёшлар тарғибот маркази директори Жонибек Шуҳратовдан эшитиб даҳшатга тушгандим. Бу маърифатпарвар йигит ҳаммаша хайрли ва эзгу ғоялар билан майдонга чиқади. Нидерландиядаги 101 ўзбек аскарининг қабрини зиёрат қилиш экспедицияси ҳақида эшитгансиз. 2020 йилнинг 6-20 февраль кунлари уюштирилган “101 аскар” экспедицияси таркибда Жонибек ҳам бор. Унинг ҳикоясини эшитиб, гоҳ қўлларимиз муштга айланса, гоҳ юрагимиз ларзага тушади.

“1942 йил 9 апрель тонги. Нидерландиядаги Амерсфорт концлагери...”

Айнан шу куни 77 нафар аскарияти ўзбек аскарлари Франциянинг Бордо шаҳрига олиб бориш баҳонасида ўрмонда отиб ташланган. Улар уруш асирлари бўлишган.

1941 йил урушнинг илк кунидан Смоленск остонасида асир олинган 865 нафар аскар 27 сентябрь куни Нидерландиянинг Амерсфорт концлагерига олиб келинди. Улар сараланди. Атайин осийлик қиёфали, ўрта бўйли, қорамағиз 101 қоракўз ажратиб олинди. Очик майдонда, концлагер ҳовлисида сақланди. Гитлерга қарши бўлган нидерланд коммунистлари кўриб қўйсин дейишди.

Надоматки, Нидерландиянинг ёмғирли кунлари, қаҳратон қиш совуқлари 24 нафар қоракўзни ҳаётдан олиб кетади. Қолган 77 нафар силласи қуриган ўзбеклар бирор ишга ярамай, ҳолдан тойди. Улар энди ортиқча. Шунда энг жирканч режа тузилади. Оч қолдирилган асирларга нон ташланади. Ҳайвондек нонни талашса тасвирга олиб фашист фронтга жўнатилади, деб ўйлашади. Аммо ундай бўлмайди. Аждодларимиз орини сотмайди, иродасини синдирмайди, ҳайвондек нон талашмайди. Фашизмнинг тарғибот машинаси барбод бўлади. Нидерланд халқи бу жасратни қадрлайди. Ўзга юртдан келиб фашистларга қарши мардларча қуролсиз

курашган, таслим бўлмаган ўзбекларни ҳеч қачон унутмайди. Ҳар йили 9 апрель тонги Амерсфорт шаҳри Лъёздин шаҳарчаси Русхофф қабристонига боради. Ўз эътиқоди бўйича 101 та шам ёқиб шаҳидларни хотирлайди. Ҳар йили ватандошимиз, тарихчи олим Баҳодир Узоқов эса ўз ҳисобидан эҳсон оши тарқатади.

Шукрки, шундай аждодларимиз жасорати эътироф этилди. Фильмлар олинди, Тошкентдаги Ғалаба боғида ёдгорлик ўрнатилди. Бизга ҳам ота юртдан Русхофф қабристонига тупроқ элтиш бахти насиб этди. Ўзга юртда кўмилган 101 ватандош қабристонидан Ўзбекистонга ҳам уларнинг хокини олиб келишга муяссар бўлдик.

Қудратини қарангки, Голландиядан то Тошкентгача бирорта аэропорт назоратида қурбон бўлган ҳамюртларимизнинг рамзий тупроғини олиб ўтишимизда бирор муаммо бўлмади. (Тошкентдаги Жанубий вокзалдан ташқари).

Исми ҳамда қариндошлари аниқланган шаҳидлардан бири Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган ўқитувчи Райим Саломов. У 1942 йилда урушга кетганда фарзанди ҳали туғилмаган эди. Ўша қизи Хурсаной отасидан ёдгор қолди, уни бутун умр кутиб яшади ва 2019 йилда вафот этди. Аскар исзиз кетмади. Ундан фарзанд ва бир кучоқ набиралар қолди. Лъёздин шаҳарчаси Русхофф қабристонидан олиб келинган Райим отанинг тупроғи рамзий қабр ўрнатиш учун эгаларига топширилди.

Хотира улғу. 1945 йилни кутмасдан 1942 йилдаёқ қуролсиз фашизм мафқурасини парчалаган қаҳрамонлар руҳи шод бўлсин...”

### Уруш ва Тинчликнинг сурати

Мактабда ўқитувчимиз 9 май арафасида бизга уруш ва Тинчликнинг суратини чизишни буюрарди. Шунда бирдан барчамизнинг кўзимизда аллақандай маъюслик пайдо бўларди. Ҳаммамиз урушдан тирик қайтган, аммо бир қўли йўқлигини доимо енги билан яшириб юрадиган Аслон бобонинг аламини, юзини ўқ тешиб ўтиб чандиғи битмаган Ражаббой отанинг армонини, танасида қолиб кетган кўрғошин осколка

билан яшаётган Остона боболарнинг изтиробларини ҳис этиб, юрагимиз ловуллаб ёниб кетгандек бўларди. Урушни кўрмаган бўлсак-да, оғриқли ҳолатга тушиб қолардик. Чунки уруш сўзи кўз олдимизда энг аввалло тўкилган қонларни, ажал қуролни, вайронага айланган шаҳару қишлоқларни, етим қолган бегуноҳ гўдақларни, қўлидан, оёғидан айрилган оталарни, уруш қўлтиқтаёққа суюнишга мажбур қилган забардаст йигитларни, олис-олисларда қолиб кетган номаълум солдат қабрини, киноларда кўганимиз фашист газандаларининг қонхўр башарасини, эҳ-ҳе, қанча-қанча афсус ва надоматларни, юракнинг оғриқларини гавдалантириши аниқ эди бу лаънати уруш. Урушнинг суратини ҳамма ана шундай нафрат ва аччиқ изтироб билан чизишга уринарди. Аммо урушнинг суратини чизиш жудаям қийин, жудаям оғир эди...

Тинчликнинг суратини эса ҳар куни чизгимиз келади. Нафақат қоғозда, ерда, самода, тилимизда, дилимизда, хаёлимизда. Тинчликнинг сурати энг аввало Ватан суратидир. Биз озодлик сабоқларини ўрганиб улғайдик. Авваллари Ватаннинг, Тинчликнинг, Тирикликнинг суратини бошқача тасаввур қилардик, бошқача чизардик. Ўзбекистон — бахтлар водийси деган тантанавор сурат кўз ўнгимизда гавдаланарди авваллари. Байроқларнинг ҳилпирашини, бахтиёр чехраларни чизишга ўргангандик. Бугун унинг сурати янада улғуворроқ, янада буюроқроқ тимсолда гавдаланмоқда. Бугун Тинчликнинг суратини юракка чизишга ўргандик. Тинчликни асраш, Ватанга фидо бўлиш бахтлигини англадик...

Тинчликнинг суратини оддий капалакнинг гулларга қўнишида, чумолининг уйига дон ташишида, ҳар тонгда қуёшнинг нурларини ичиб уйғонишимизу, набирамизнинг ширин табаскумида, Ватан байроғининг баланд-баланд ҳилпирашида, бахтни елкалаган мағрур ва масрур кўчаларнинг файзида, қалбимизни тўлдирётган оҳангларида кўрмоқ бахти насиб этганига шукур. Тинчликнинг томири узилмасин!

Дуо қилинг, Ер юзида уруш тугасин!

Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” мухбири



ШАҲАРДАН ярим тунда йўлга чиқувдим, қишлоққа эрталаб етиб келдим. Ҳовлида серрайиб турганимни кўрган энам бечорагина атрофимда айланиб гиргиттон бўлди. Дунё дунё бўлгандан бери бундай дуоларни эшитмаган-ов! Қаердан топаркан, айниқса, ойда-йилда мен ёддайма хонадонда пайдо бўлиб қолишим ҳамона, икки қўл дуога очилиб, энам шундай тўкиладики (ҳа, энам сўзламайди, тўкилади) билмайман, гап булоғини қамаб турган юраги очилиб кетади-ю, шу юрак қаъридаги фаришталар энамни сайратиб юборади.

Бугун ҳам шундай бўлди, энам дуони олаяпти, кафтими очиб серрайиб турибман.

— Эна, отам кўринмайди, — дейман аланглаб.

— Қулмат бовонгнинг боши болишга (ёстиққа демоқчи) тегибди. Мазаси қочибди, кўриб келай деб кетди.

— Қайси Қулмат бовам?

— Анави тарих малиминг бор-ку, отангнинг ошнаси... Қулмат калта...

— Шундай демайсизми?

— Ўша малимингикига кетди. Ўзиям, попирос ўлгур оғзидан тушмайди, бургадайгина бўлиб қолган, бунинг қилтанглашини кўр, оғиз курғурда доимо папирос ўлгур, паравоз-а, паравоз! Шу исқотини ташла, нима қиласан, жонингга азоб бериб, ўпкасиям тутундан тўкилиб кул бўлиб кетгандир, тағинам шунча яшади, мушдайгина ҳолига. Одамнинг умри Эгасининг қўлида эканда-а...

Озгин, киройи-кўргилиги кўримсиз, сариқдан келган татарангор, ингичка бўйнига қовун тиркаб кўйгандай, чувак бошидаги сочлариям сап-сариқ, (соч сариқ бўлгач қош нима бўларди...) шилпикқўз, пакана ҳолига ёддаибгина турадиган Қулмат муаллим кўз ўнгимда бўй курсатди. Муаллимни кўрмаганимга ҳам ўттиз йиллардан ошибди.

— Сенам бор. Кўриб кўйганинг яхши-да. Ғаниматликда ғаним ҳам азиз, болам. Отангни ҳам эргаштириб келасан. Йўлда тимирскиланиб туртиниб-суртиниб, йиқилиб-негиб юрмасин тагин. Уйда ўтиринг деганимга ҳам қарамай кетди.

Энам “ғаниматликда ғаним” деб бекорга айтмади. Қулмат муаллим билан сувимиз лойқаланганига ишора бу!

Оёғим тортмаса-да, оғир бўлдим — муаллимниги йўл олдим, борсам борай, ўсал бўлиб ётибди. Гина гуноҳга гумашта. Балки эсидан чиққандир. Ҳамма нарса ўзгариб кетди-ку... Муаллимда нима айб...

Энам айтмоқчи, “Кампири кўпга қўшилгач, хувиллаган уйда сўли куриб сўппайиб қолган, ёлғиз-арзандаси, худо беҳабаргина ўғил эса ўрисгами-чулчитгами уйланиб, қайси бир гўрларда сарсон-саргардон бўлиб юргач харобаю хуробо ҳовлида бойўғлига ўхшаш ёлғиз қолган муаллимнинг кулбасига яқинлашганимда, ёғоч эшик очилиб, ичкаридан отам билан кўшимиз Ҳайдар бобо чиқиб келишди. Отам мени кўриб эсанкираб қолди.

— Энам Сизни олиб кел деб жўнатди, — дедим ҳол-аҳвол сўрагач.

— Ўзимиз бораверамиз. Бовангни кўриб чиқ, — деди отам ичкари ҳовлига бош ишора этиб.

Нимқоронгу тор хона тўридаги ёғоч краватга ташланган тўшакда ўзга сайёрадан келган гумоноиддай бир бурдагина бўлиб ётган сап-сариқ кимсага кўзим тушди. Ўлай агар, муаллимни таний олмадим. На соч қолган, на қош. Узилган хандалақдайгина тап-тақир бош, милтиллаб турган бир жуфт кўз, ёрилган пуфакчадек шалвираган бурун, кичкина оғзини юмиб турган қони қочган лабларидаги изтиробли ихроқ, юрагимга оғриқ солди. Одам боласи шунчалар ўзгариб кетарканда-а...

Муаллимнинг тепасига бордим. У менга ҳайратомуз термулди, кўзлари милт ёниб ўчгандай бўлди.

## Кўчқор НОРҚОБИЛ



## ҲИКОЯ

— Муаллим, ассалому алайкум, мен келдим... Яхшимисиз?.. (Бошқа нима дейин).

Муаллим бош ирғади. Сўнг илжайди.

— Мени танидингизми?

Муаллим бош ирғади!

— Сатторов!

Бир қалқиб тушдим. Овози ўттилигини кўринг... Худди ўша чоғдагидай, болалик баҳоримни остин-устун қилиб, парча-парчалаб, портлаб садо бергандай бўлди унинг овози.

\*\*\*

— Сатторов!

— Мен.

— Сен бўлсанг, доскага чиқ!, — дейди пакана, кўзлари ёниб тургучи сариқ муаллим. — Хўш, айт-чи, урушлар неча хил бўларкан?

— Икки хил! Адолатли, адолатсиз, — деб чувиллашади синфда ўтирган билағонлар.

Мен жим тураман. Негадир адолатли, адолатсиз деган нисбат менга эриш туюлади. Чунки, юз ёшга яқинлашган катта момом икки ўғли — энамнинг акалари йўлига қарайвериб кўр бўлиб қолган эди. Ҳар тонг Жонқобил, Норқобил деб фарзандлари номини айтиб қақира-верарди. Катта момом ўғилларининг номини айтиб қақирини ҳамона кўчага чиқиб кетардим, момомнинг овози эшитилмайдиган жойга — қишлоқ этагиди сой бўйига кетиб қолаверардим.

Хуллас, мен синфда жимман. Олтинчи синфда мендан бошқа ўқувчилар бийрон эдилар! “Адолатли, адолатсиз...” уруш...

— Нима экан, Сатторов!?

— Ҳеч нима! Уруш ёмон. Ҳамма уруш ёмон! — дейман.

— Немис, фашистлар босиб келди.

Бу адолатсиз уруш. Биз Ватанимизни ҳимоя қилдик, бу адолатли уруш! Шуниям тушунмайсан-а, аҳмоқ, ўтир.

Иза бўлдим. Икки баҳо олдим. Бир ой аввал Салим отанинг Собир деган ўғли афғон урушидан ўлиб келувди, темир тобути қайтувди. Чидай олмадим. Болалигимда ҳам қизиққон эдим. Ўрнимдан даст туриб муаллимга савол олдим: — Афғон уруши-чи? Афғон уриши. Адолатлими шу уруш?! Бизникилар у ерга бостириб боришди-ку?

Муаллим шолғомдай қизарди-я! У ёқдан бу ёққа юра бошлади, сўнг менга қараб чинқирди:

— Йўқол! Йўқол! Чиқиб кет! — У менинг ёнимга келиб қулоқ-чаккамга шапалоқ тортиди.

— Босмачининг набирасисанда-а?! Қонинг бузуқ сенинг. Аждод-авлодинг

чаён бўлиб ўтганда, гала босмачи!!!

Мен синфхонадан чиқиб кетдим. Ташқари қор-бўрон эди, қаҳратон эди. Қормидир, оппоқ музқуммидир нимадир юз-кўзимга чирсиллаб урилар, мен совуқни сезмасдим. Уйга келиб бор гапни энамга айтдим. Энам тинмай жавради — Қулмат муаллимнинг гўрига ғишт қалаб, ўт кўйди, тентакдан олиб, тентакка солди.

Мен беш қақирим наридаги қўшни қишлоқдаги мактабга қатнай бошладим. Сабаби, Қулмат муаллимнинг ўзига дуч келиш у ёқда турсин, эсласам ҳам ич-ичимдан титроқ туриб, тасаввурим чилпарчин бўлиб, номини эшитсам сесканиб кетардим.

Бир кун Ғафур полвоннинг тўйида курашдан олдин отам давра четида турган Қулмат муаллимнинг олдига борди. Кўнглим совуқ бир нимани сезиб мен ҳам отамга эргашдим.

— Ўғлим мактабингдан кетгандан бери кўнглинг кенгайиб қолдимми, муродингга етдингми?, — деди отам муаллимга.

Мен “кўйинг шунга гапирманг”, деган маънода отамнинг чопони этагидан тортқилай бошладим.

— Ота, уйга кетамиз.

— Қўрқма болам, қўрқма!

Қулмат муаллим турган жойида тушовланган тойхардай тайсаллаб қолди. Юзи қаҳрли тус олди.

— Ўғлинг ҳам сенга ўхшаш бузуқи бош. Мияси айниган, — деди тиржайиб.

Отам уни силтаб тортди-да, ёнига қаратиб итарди. Қўлматнинг нима жони бор, учиб кетди, боши тўйхонани ёритиш учун ўрнатилган симтўсинга бориб урилди. Ўрнидан тура солиб кафти билан юзини тўсган қўйи чинқириб тўйхонадан чопиб чиқиб кетди.

Эртасига уйимизга мелиса келди.

Отамни икки йилга қамашди...

Томорқамиз тепасидан ўтган сой бўйидаги бобомни қизиллар отган жойини отам девор билан ўраб оқ ялов қадаб кўйган эди. Қишлоқда ана шундай уч-тўртта шаҳид жой — боболаримиз қони тўкилган муқаддас маскан бор эди. Қулмат калта улар босмачилар отилган жой, деб юқорига ёзвориб, охири шаҳид жойларни ҳам текислатиб ташлади. Кўп ўтмай бульдозерчи кўр бўлиб қолди. Қулмат муаллимга жин ҳам урмади.

Отам уйга қайтгунча анча қийналдик. Мен кўшни қишлоқда уч йил ўқиб мактабни тугатдим. Ўқишга кетдим...

Ёшим элликдан ўтиб бугун болаликнинг синиқ хотираларини тикляпман.

\*\*\*

...Сатторов! Сатторов, — дейди ихроқли овозда муаллим.

— Менман, муаллим...

— Келдингми?

— Келдим.

— Сен ҳам урушда бўлдинг-а?..

Афғонда бўлдинг-а?

— Ҳа, муаллим, — дейман унинг юзига қарашга ботинолмай. Бу ердан тезроқ чиқиб кетгим келади.

— Мен сени урушдан омон қайтишингни Худодан сўраб ялиндим. Кейинги йиллар Сени кўп ўйладим. Ҳар гал телевизорда чиққанингда ўзимни кўярга жой тополмадим. Сенинг олдингда гуноҳим кўп. Кўча-кўйда ака-укаларинг, ота-онангни кўрсам, ялиниб-ёлвордим: “Рустамга айтинглар, менга бир учрашсин, зарур гапим бор...” — дедим. Улар мендан ўзини оп қочибди. Тўғриям қилишди, қайси юз билан уларга арзи ҳол қилаётганимни ўзим ҳам тушунмасдим. Отанг иккимизни яраштириш учун қишлоқнинг ҳамма оқсоқолларини ишга солдим, уларингга ўзим ҳам боравериб, бетимнинг суви беш тўкилди...

— Бово, қўйинг энди шу гапларни.

— Ҳар гал хотира куни қишлоққа келсанг, уйингга сени сўраб одам юбордим... Нега излардим, биласанми?

— Йўқ...

— Мен ўрганган илм мени туфлаб ташлади. Мен ишонган тарих ҳам мени алдаганини англаган куним, бу дунёда куп-қурук, ҳеч ким бўлиб қолганлигимни хис қилдим.

Муаллим хир-хирлаб, оғир-оғир нафас олаяпти.

— Ўша даврнинг шиори, ғояси шундай эди-да, бово, — дейман.

У юзлари бурқсиб менга қарайди...

— Сен мени кечира олсанми?, — дейди туйқус.

— Кечирганман бова, кечирганман. Эсимдан ҳам чиқиб кетган экан, қаранг-а, — дейман уни тинчлантириш учун.

— Кечирган бўлсанг, шу ҳовлини сенга топшираман, — дейди у дабдурустдан.

Мен хангу-манг бўлиб қарайман.

— Йўғ-е, керакмас.

— Биламан, сен олмайсан, бунди.

Лекин уй-жойим, томорқам йигирма беш сотихдан кам эмас. Ўзинг бош-қош бўлиб, расм-русумини қилиб, шу жойнинг ярмини одамлар келиб дам оладиган гузар, ярмини кутубхона қилсанг, ёш-яланларнинг оёғи узилмасди. Гузарга кираверишда менинг тарихим, “босмачи” деб қоралаган боволарининг хотирасига катта бир мрамар тош қўйиб, уларнинг номини ёзиб қўй. Кутубхонанинг бир хонасини қишлоғимиздан урушга кетиб қайтиб-қайтмаган боболарнинг хотирасига музей қил, афғон урушига борган сафдошларинг тарихи ва тақдирини ҳам унутма. Шу хонанинг эшиги тепасига “Бу дунёда ҳеч қачон адолатли уруш бўлмаган”, деган гапни ёзиб қўйсанг бас!

Кекса муаллим жим қолди. У оғир-оғир нафас олиб ҳансирайди. Мен унинг пойинтар-сойинтар гапидан ҳайратланиман.

— Бу иш осон кўчади. Маҳалла ҳам, ҳокимият ҳам рози. Эртага нотариусни чақиртираман, — дейди у.

Мен унга яна ажабсиниб қарайман.

— Илтимос, йўқ дема... Эртага бир келиб кет, — дейди муаллим. — Сўнгни илтимосим шу, мени хотиржам ўлсин, десанг, шундай қил!

Мен хонада серрайиб тураман. Ҳаво етишмайди. Муаллимга розиман маъносидан бош ирғаб ҳовлига чиқаман.

Борлиқ чароғон. Осмон тип-тиник. Рўпарамдаги тоғ қўл чўзсам етгудай яп-яқин. Юзимга баҳорий хузурбахш шаббода урилади. Мен қаерларгадир, олис-олисларга кетгим келади. Қаршимдаги тоғлар ўз бағрига чорлаётгандай бўлади. “Бу рўйи заминда яхшиям тоғлар бор, улар жуда баланд...”, деган ўй ўтади хаёлимдан.



ГАП инсонпарварлик мавзусида борар экан, Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринли. “Инсон қадрини учун” деган эзгу ғоя илгари сурилган мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат келгуси 5 йилликдаги ибратли ишларга дастуриламал вазифасини ўтайди, албатта.

## ЭЛ КОРИГА ЯРАШ ҲАМ — БАХТ

Бугун қайси бир адлия органи ёки муассасасига борманг, Юртбошимизнинг ана шу эзгу ташаббуси кенг қулоч ёзганига гувоҳ бўласиз. Бу эса ҳамюртларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Натижада халқимизнинг, оддий одамларнинг давлат органларига, амалдаги қонунларимизга нисбатан ишончи, ҳурмати ортмоқда.

Мана, оддий бир ҳаётимисол. Мирзо Улуғбек тумани имконияти чекланган болалар учун ихтисослашган 105-сонли мактаб интернати битирувчиси Р.Безменов 2004 йил 10 октябрда уй шароитида туғилган. Айрим сабабларга кўра унга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилмасдан қолиб кетган. Яқинда Р.Безменов шу хусусда амалий ёрдам сўраб, Тошкент шаҳар адлия бошқар-

масига мурожаат қилди.

Мурожаат ўрганиб чиқилгач, фуқаронинг туғилганлик фактини белгилаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан Р.Безменовнинг туғилганлик факти белгиланди. Шу асосда Р.Безменов Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини олишга муваффақ бўлди.

Шунга ўхшаш яна бир мисол — Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими томонидан киритилган даъво аризасини куриб чиққан Тошкент туманлараро маъмурий суди Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Мирзо Улуғбек туман бўлимининг 2020 йил 13 мартдаги 433-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топди. Бўлим зиммасига фуқаро Ю.Тўраевнинг 1981 йил 1 декабрдан 1987 йил 15

октябргача “Боз-су” кафесига, 1995 йил 1 октябрдан 1998 йил 18 мартгача “Пазанда 94” ҳиссадорлик жамиятида, 2002 йил 10 майдан 2003 йил 5 октябргача “Афғон уруши ногиронлари” республика хайрия жамғармасида ишлаган даврини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш мажбуриятини юклди.

Адлия бўлими аралашуви билан яна бир фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди. Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 10 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Мирзо Улуғбек туман бўлими мансабдор шахсларининг фуқаро С.Абдурахмоновнинг шикастланиши билан боғлиқ зарар учун компенсация миқдори оширилмасдан тўлаб келинаётганлигида ифодаланган хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилди. Масъулларга оширилган миқдорда тўланиши

лозим бўлган компенсация пулини 2021 йил 1 мартдан ҳисоблаш ҳамда келгусида пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори оширилганда ҳам шунга мутаносиб равишда тўлаб бериш мажбурияти юклатилди.

Адлия бўлими ходимлари томонидан “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”га мувофиқ бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш йўлида олиб борилаётган ҳар бир эзгу иш халқ манфаатига хизмат қилади, албатта.

Шу ўринда Ҳазрат Алишер Навоийнинг пурҳикмат мисралари ёдга келади:

*Борчасини гарчи латиф айладинг,*

*Борчадин инсонни шариф айладинг.*

Ҳар гал улуғ мутафаккирнинг мазкур битигини ўқиганимда сўнги йилларда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, эзгу ишлар, бунёдкорликлар кўз ўнгимдан ўтаверади. Инсонпарварликнинг илдизи



**Аброр БЕРДИЕВ,**  
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими масъул ходими

ўтмишга бориб тақалади. Буюк бобоқалонимиз икки мартаба муборак Ҳаж сафарига отлансалар-да, эл-юртнинг, одамларнинг ғаму ташвишларини уйлаб, муқаддас зиёратдан қолиб кетганларини кўпчилик яхши билади. Ҳазрат ҳаж сафарига аталган маблағини мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги учун, каттадан-катта бунёдкорликларга, элга зиё улашишга сарфлайди. Юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати ҳам бардавом ва умрбоқий бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни аямайлик! Зеро, эл корига яраш ҳам бахтдир аслида.

### Хотира

## Ҳамиша ёдимиздасиз, азиз ҳамкасблар!

Кечаги кун хотирага айланди, кечаги баҳорнинг кулиб кўз очган куртаклари ҳам ям-яшил япроқлар учун бугун ширин хотира... Биз инсонлар ҳам ёнимиздаги одамларнинг қадрини уларни йўқотгач, чуқур англаймиз. Уларни эсга олганда гап-сўзларини хотирлаб, армон қиламиз, энди ёнимизда йўқликларини англаб, киприкларимиз намланади. Беихтиёр уларни соғинамиз.


Газетамизнинг ҳам ўз тарихи, хотираси бор. Қўлингиздаги газета ҳам хотирага айланиб, архивларда узоқ

йиллар яшайди, миллий журналистикамизнинг хотирасига айланади. Бу сўзлар ҳам газетамиз саҳифаларида яна узоқ йиллар яшайди худди оламдан ўтган ҳамкасбларимиз бизнинг хотирамизда яшаганидек...

Бугун тириклик чоғида газетамизнинг ҳар бир саҳифасига кўз нуруни, қалб кўрени, бор меҳрини берган, умрини бахшида қилган ҳамкасбларимизни хотирлаймиз. Синчков газетхонларимиз уларни яхши танишади, маҳорат билан ёзганларини соғиниб эслашади. Ҳаётли-

гида ҳалол меҳнати билан элга танилиб, рост сўзи билан тилга тушган бу инсонлар худди суратдагидек теран нигоҳи билан ҳар бир ишда бизга ҳаммаслак. Ғойибона бўлса-да, ҳамиша биз билан ҳамнафас.

Уларнинг кўз нури, қувончу ташвиши элга айтган сўзи билан бирга газетамиз саҳифаларида мангуга муҳрланиб қолган. Биз бу беназир инсонларнинг хотираси олдида бош эгамиз, ҳамиша дуодамиз. Охиратингиз обод бўлсин, азиз ҳамкасблар.



**Собир ЁДИКОВ**



**Файзулла ҚИЛИЧЕВ**



**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**




**Шукур СОДИҚ**



**Азим ҚОДИРОВ**



**Валижон ЮСУПОВ**



**Шуҳрат НОСИРОВ**



**Фарҳоджон ХЎЖАНАЗАРОВ**



**Қурбон ЭШМАТОВ**



**КОРРУПЦИЯГА қарши курашиш бар-чамизнинг бурчимиз. Бироқ мазкур бурчни унутиб, нафсига қул бўлганлар ҳам афсуски, оз эмас.**

## Тошкент Молия институтига ўқишга кириш ҚАНЧА ТУРАДИ?



39 ёшли аёл Ш.Ҳамидова (исм шарифлари ўзгартирилган) ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришни режалаштириб, ғараз ниятларни кўзлаб, ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсад қилади. С.Ботировни Тошкент Молия институтида ишловчи мансабдор танишлари орқали иккинчи мутахассислик бўйича ўқишга киритиб қўйиш ваъдаси билан 1 минг 700 АҚШ долларни пора тариқасида беришга далолат қилади. Шу тариқа унинг ишончига кириб, мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида ишончини суиистеъмол қилади. “Бузоқнинг югургани сомонхонагача”, деганларидек аёл келишилган пулларни олаётган вақтида ашёвий далил билан қўлга олинган. Суд мажлисида Ш.Ҳамидова айбига қисман иқроор бўлди.

### Воқеа аслида қандай бўлган?

Тошкент Молия институтига иккинчи мутахассисликка ўқиш учун ҳужжатларини топширган, аммо ўқишга кириш натижалари мавҳум бўлиб қолганлиги сабабли жавобни кутиб юрган С.Ботировнинг айтишича:

— *Имтиҳон натижаларини кутиб юрган кунларнинг бирида “Тошкентдаги банклардан бирида ишлайман”, дея ўзини таништирган аёл билан гаплашиб қолдим. Сўбат орасида Тошкент Молия институтига иккинчи мутахассислик бўйича ҳужжат топширганлигим, бироқ тест натижалари маълум эмаслигини айтганимда, аёл “Тошкент Молия институтида юқори лавозимда ишловчи танишларим бор” деб қолди.*

Аёл танишлари орқали йигитнинг ўқишга киришини ҳал қилиб беришини айтади. Албатта, мушук текинга офтобга чиқмайди. Бу “хизмат” эвазига аёл “институтда юқори лавозимда ишловчи танишларимга “муомаласи”ни қилиш керак”, дея пора тариқасида бериш учун 2 минг АҚШ доллари талаб қилади. Йигит айтилган нарх кўплигини, имкони бўлса қамайтиришни илтимос қилади. Аёл эса унга “*охирги нархи 1 минг 700 АҚШ доллари*”, эканлигини айтади. Шунда йигит бу ҳақда уйдагилари билан маслаҳатлашиб, аниқ

жавоб айтишини билдиради. Аёлнинг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф эканини англаган йигит унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, бу ҳақда тегишли ҳуқуқ тартибот органига мурожаат қилади.

Йигитга холислар иштирокида 1 минг 700 АҚШ доллари махсус ишлов берилиб, аёлга бериш учун тақдим этилади. Аёлга кўнғироқ қилиб, “*қаерда учрашамиз, пул тайёр*”, деган йигитга учрашув манзиллини айтган аёл келишилган вақтда пулларни санаб олиб, эғнидаги куртканинг чўнтагига солиб қўяди. Шундан сўнг, тегишли орган вакиллари холислар иштирокида аёлни қўлга олишади.

Судланувчи Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси (фирибгарликка суиқасд) биринчи қисми ва 28, 211-моддаси (пора беришга далолат қилиш) биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди.

Ш.Ҳамидовага Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдоридан яъни, 8 миллион 100 минг сўм жарима жазоси тайинланди.

**Жаъфар КУРБАНОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича**  
**Чилонзор туман суди**  
**судьяси**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш мақсадида маъмурий судлар ташкил қилинди.**

## Маъмурий судлар фаолиятида нималар ўзгарди?

Маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли экани белгиланди.

Мамлакатимизда илк мартаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Президентимизнинг 2022 йил 29 январдаги “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғриси-

да”ги Қарори эса, маъмурий судлар фаолияти учун яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур Қарор билан давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш мақсадида бир қатор тартиблар жорий этилди. Жумладан, маъмурий судларга далилларни йиғиш мажбурияти юкланди. Ҳуқуқи бузилганларга эса далилларни йиғишда фақат ўз имкониятидан фойдаланиш шароити яратилган бўлди. Давлат органлари қарорлари натижасида етказилган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқи берилди, бундай талабларни кўриб чиқиш маъмурий судлар ваколатига ўтказилди.

Шунингдек, давлат органлари ёки ташкилотлари маъмурий суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой давомида ижро қилиши ҳамда бу ҳақда судга хабар бериши белгиланди. Маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари давлат органлари томонидан ижро қилинмаганда, уларнинг мансабдор шахслари-

га нисбатан суд жарималари қўлланилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Маъмурий суднинг ҳал қилув қарори тақроран ижро қилинмаганда, давлат органлари ёки мансабдор шахсларга нисбатан дастлаб қўлланилган суд жаримаси оширилган миқдорда қўлланиладиган бўлди. Маъмурий судларда тарафлар ўртасида ярашув механизмлари жорий этилди. Бунда қонунда белгиланган ҳолларда тарафларга келишув битимини тузиш ҳуқуқи берилди.

Энг муҳими, аризаларни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш тақиқланди. Аризалар судга тааллуқли бўлмаганда уларни кўриб чиқиш ваколатли судга ўтказилиши белгиланди. Бир суд иши доирасида баъзи иш маъмурий судга, бошқалари эса, фуқаролик судига тааллуқли бўлганда уларни бирлаштириш тақиқланди.

Мазкур Қарорнинг қабул қилиниши давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлашга, маъмурий суд иш юритувини халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга ҳамда маъмурий судларни ҳақиқий халқ судига, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоячисига айлантиришга хизмат қилади.

**С.ЮЛДОШЕВ,**  
**Тошкент туманлараро маъмурий**  
**суди раиси**

**НОДИР ИСОҚОВГА МУҚАДДАМ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНЛИГИ УЧУН 2021 ЙИЛ 27 ЯНВАРДА ЧОРТОҚ ТУМАН СУДИНИНГ ҲУҚУМИГА КЎРА 3 ЙИЛ 6 ОЙ МУДДАТГА ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАНГАН. ЖАЗОНИ ЎТАШ ДАВРИДА У ЯНА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТДИ.**

## Калта ўйлаш оқибати

Нодир ижтимоий тармоқда Раъно исмли аёл билан танишиб, ёзишиб турган. Ўтган йил август ойи бошида ижтимоий тармоқдаги ўзаро суҳбатда Раъно унга “Тропикамид” дорисининг суратини юборади. Ўзишмада Раъно “Ҳозир бу препаратни Тошкент шаҳрида топиш жуда қийин бўлиб қолди. Дорихона ва “қўл”да ҳам йўқ. Агар “Тропикамид” дориси Наманганда бўлса, “усти”га қўйиб яхши фойда қиласиз”, деган мазмунда Нодирга хат юборади. Ўттиз ёшли йигит унинг тақлифига қизиқиб қолади ва шу куни Наманган шаҳридаги “Чорсу” бозорига боради. Сўраб-суриштириб дори билан “қўл”да савдо қилувчи Маъмур исмли йигитни топади.

— Боя айтган доридан кўпроқ оламан. Нархи қанча бўлади, — мурдаога кўчади Нодир.

— Бир донна флакон 6 доллар. Шу нархдан пастга тушмайман, — дейди Маъмур харидорга.

Шу гап-сўздан кейин Нодир ортга қайтади ва эски таниши Бахтиёрни топади.

— Бир иш бор. Агар шу ишга 3000 доллар тиксангиз, яхшигина фойда қиламиз, — дейди Нодир Бахтиёрга юзланиб.

— Қандай қилиб, — сўрайди Бахтиёр.

— Маъмур деган танишимдан “Тропикамид” дорисини олиб, Тошкентдаги опага етти ярим доллардан сотамиз. Ҳар бирдан бир ярим доллар ишлаймиз.

Нодир ижтимоий тармоқ орқали Раъно опасига “Бир доннаси 7,5 АҚШ доллари экан, опасизми?” деб мактуб йўллади.

Тошкентлик опа рози бўлади. 2 минг 700 АҚШ долларига Маъмурдан 450 донна “Тропикамид” дорисини сотиб олади.

“450 тасидан 1,5 доллардан қолади”. Нодир билан Бахтиёр ширин хаёлларда Наманганда таксига ўтириб, Тошкентга йўлга чиқишади. Эртаси куни улар Раъно опасига телефон қилиб, Яшнобод тумани “Авиасозлар” кўчасида жойлашган “Корзинка”нинг орқа томонида учрашади. Опалари ҳам пухта экан. Аввалига дорининг ҳақиқийми ёки йўқлигини текшириб кўради. 450 донна “Тропикамид”ни 3 минг 375 АҚШ долларига сотаётган вақтда Нодир билан Бахтиёрнинг олдига фуқаро кийимидаги одамлар келиб ўзларини таништиришади. Кучли таъсир қилувчи модда билан шуғулланмоқчи бўлганлар шу тариқа қўлга олинади.

Суд Нодир Исоқовга 7 йил 6 ойга, шериги Бахтиёр Рўзиевга эса 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Ноқонуний йўл билан пул топаман деб калта ўйлаш оқибати шундай яқунланди.

**Фаррух ЭРГАШЕВ,**  
**жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман**  
**суди судьяси**

### E'LON

Namangan viloyat adliya boshqarmasi tomonidan advokat Axmadjonov Sherzod Sodirjonovichga 2018 yil 24 dekabrda berilgan NA 000126-sonli advokatlik faoliyati bilan shug'ullinish huquqini beruvchi litsenziyaning amal qilishi hamda advokatlik maqomi 2022 yilning 16 iyun kuniga qadar bo'lgan davrga to'xtatildi.

Навр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5а-уй

Тиражи — 4000  
Буюртма — Г-362

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 17:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

Инсон  
ва ҚОНУН


МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897



9 772010 789006

Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музраф Мубаракходжаевич  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Юлдашева Шохидохон Руфатовна  
Бахронов Шерзод Холмуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруса Ҳосилова

Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев



Соат ўнда “Мосфильм”-га етиб келдим. Сизовнинг хонасига кирдим. У телефонда гаплашаётган экан:

— Қачон олиб келасиз уни?.. Хўп, майли биз кутамиз, — деб гўшакни жойига қўяр экан, асабийлашиб: — Кеча у кимни-кидадир меҳмонда бўлган экан, роса ичиришибди, шу боис ҳозир уйғотиш қийин бўлаётган экан, бирор соат кутамиз энди. Фильмни кўрсатганимиздан сўнг биргаликда тушлик қиламиз, — деди менга.

Бир соат тугул, икки соатдан кейин ҳам Коппола келмади. У соат бир яримда, айна тушлик чоғида келди. У ёлғиз эмасди. Жулио исмли акаси, жиянлари, холаваччаси эри ва болалари билан ҳамда энага ва таржимонлар — у билан бирга келишди.

Тушлик пайтида Тбилисидаги Киночилар уйида унинг “Чўқинтирган ота” фильми намойиши вақтида содир бўлган воқеани гапириб бердим. Ушбу фильмга билет топиш амри-маҳол эди — ҳамма фильмни томоша қилишни орзу қиларди. Бир бой-бадавлат одамга почта орқали беш дона билет юборишади. У жуда хурсанд бўлади. Бутун оила: хотини, ўғли, қизи, ўзи ва қариндоши кинога боришади. Кинодан қайтиб кўришсаки, уйлари шип-шийдам: уйдаги бор нарсаларни, жумладан, картиналар, антиквар мебель ва ҳатто Чехияда ишлаб чиқарилган унитазни ҳам ўғирлаб кетишганди. Копполага бу ҳикоям ёқди. Тушликдан сўнг меҳмонларга фильм намойиш қилинди. Италияларга картина маъқул тушди...

Меҳмонхонада улар билан хайрлашдик... Меҳмонхона вестибюлида актриса Софико Чиатурелига дуч келдим.

— Сен Коко Игнатовни кўрмадингми? — ҳаяжонланиб сўради у.

— Кўрмадим, тинчликми?

— Кеча Коппола Двигубский-никида меҳмон бўлган эди, биз Коко билан уни бугун “Иверия” (Москвадаги грузин ресторани) га таклиф қилгандик.

Коко аллақайси гўрга йўқолди, менда эса бор-йўғи 60 рубль бор. Пул топишим керак. Мабодо сенда пул борми?



**1979 йил бўлиб ўтган Москва кинофестивали кунлари менга “Мосфильм”-дан қўнғироқ қилиб, эртага Копполага (Америкалик машҳур кинорежиссёр Фрэнсис Форд Коппола. Таржимон) “Кузги марафон” фильмини намойиш этишади, шунга Сизов (“Мосфильм” киностудияси директори) келишимни сўраётганлигини айтишди. Фрэнсис Копполанинг “Апокалипсис” фильми Москва кинофестивалида зўр муваффақият қозониб, барчани хайратга солган эди. Кўпчилик америкалик кинорежиссёр билан суҳбатлашиш, меҳмонга таклиф қилиш учун шиддатли кураш олиб борарди.**



## “Кичкина”

# Ўзбекнинг катта саховати

— Сиз кеча Копполани томоғига ичиргансиз, Коко унга кеча нима деганлигини бугун ҳатто эслай олмас ҳам керак.

— Эслаёлмайди деганинг нимаси, балким эсласа-чи?

— Кел, сўраб кўрамиз. Фестиваль хизматидан Копполанинг бугун кечқурунги режасини билиб беришни сўради. Улар Копполанинг ёрдамчисига қўнғироқ қилишди. У эса жаноб Копполани бугун кечқурун грузин актрисаси шаҳар ташқарисидаги ресторанга таклиф қилган, деди.

Менинг ёнимда ўттиз рубль, Софикода олти рубль, жами тўқсон рубль Коппола ва унинг атрофидаги қариндошлари билан ресторанда ўтиришга етмасди. Нима қилмоқ керак? Омонат кассадан бориб пул олишга кеч бўлган. Курсдошим, режиссёр Шухрат Аббосовнинг хонасига кўтарилдим. Ундан “эртагача” 190 рубль (бор пулини) қарз олиб, ўзини ҳам зиёфатга таклиф қилдим. Вестибюлга тушиб, Софикодан:

— Хўш, неча киши бўламан зиёфатда? — деб сўрадим.

— Мен, сен, Коля Дви-

губский ва меҳмонлар саккиз киши.

— Шухратни ҳам қўш.

— Зиёфат Киночилар уйида бўлса, пулимиз етади, “Иверия” ресторанига эса йўқ.

Копполанинг ёрдамчисига қўнғироқ қилиб, шаҳар ташқарисидаги ресторан ўрнига Киночилар уйи ресторанига зиёфат ташкил қилсак қарши эмасмикан, деб сўраб кўринг, дедик. Ёрдамчи Коппола Киночилар уйида бўлганлиги, бугун грузин ресторанига боришини билдирганлигини айтди.

“Иверия”га телефон қилиб ўн беш кишига жой буюрдик.

Коппола оиласи ва шотирлари билан тушиб келганда Софико синглим бўлишини ва у мени ҳам зиёфатга таклиф қилганлигини айтдим. Ва таржимонга йўлни тушунтирдим.

— Телевидениядан бирор киши борми? — деб баланд овозда сўради таржимон.

— Бор, — деб жавоб берди жинси шим кийиб олган хоним.

— “Иверия”га Минск шоссеси бўйлаб юрамиз.

Меҳмонхонадан қуйидаги таркибда йўлга чиқдик: Копполанинг оиласи иккита “Чайка”да, учта “Волга”да Копполанинг шотирлари, таржимонлар, “Рафик”да кинотанқидчилар, суратга олиш гуруҳи ва кўк “Жигули”да Софико, рассом Коля Двигубский, Шухрат Аббосов ва унинг дўсти, пиджаги ёқасига “Меҳнат фахрийси” медалини тақиб олган кичкина ўзбек.

— Даҳшатку бу! Мана шу тўданинг барчаси зиёфатда иштирок этадими? — Софико асабийлашиб савол ташлади.

— Нима ҳам қилардик, бу ҳам бир кўргуликда.

— Даҳшат!

Телефон-автомат ёнида машинамни тўхтади, “Иверия” ресторанига телефон қилиб, ўн бешта эмас, ўттизта одамга жой буюрдим, ҳайдовчилар учун яна саккизта жой алоҳида тайёрлатдим.

Ресторанга келиб ҳамма жойлашиб олгач, Софико Копполага:

— Фрэнк иккита вариант бор: кеча маззасини татиб кўрганинг одатий кечки овқат буюриш мумкин ёки грузин деҳқонлари ҳар куни тановул қиладиган оддий деҳқонча кечки овқат?

— Мен оддий таомни хуш кўраман, — деди Коппола.

— Барчага лобио, кўкатлар, нон, сулугуни, етти шиша ароқ ва ўттизта “Боржоми” олиб кел, — деб буюртма бердим.

— Бор-йўғи шуми? — сўради официант.

— Йўқ, тўхта, бунақаси кетмайди, — деди дўппи кийиб олган кичкина ўзбек. — Биласизми, Георгий, деҳқонча таомдан кўра маззали овқат бор — сациви. Буни товук гўштини ёнғоққа аралаштириб қовуришади, — деб тушунтирди таржимонга. Таржимон эса бу гапни таржима қилди.

— Сациви ҳаммагами? —

сўради официант.

— Менга кераги йўқ, — дедим.

Шу етадими? — сўради официант.

— Ҳа, олиб келавер, — деди Софико.

— Йўқ, бу ҳали ҳаммаси эмас. Софья Михайловна, грузин деҳқонлари яна нима ейишини билмайсизми? — ҳеч тинчимасди кичкина ўзбек. — Грузин деҳқонлари ёш кўзини бутунлигича қовуриб ейишни яхши кўришади.

— Ҳозир барра мавсу-ми эмас, ҳурматли меҳмон. Буюртма берилганларини олиб келавер, — деди Софико официантга.

— Бу телбани қаёқдан топдинг? — деб сўради грузин тилида Софико.

— Шухрат олиб келди, — грузинчасига жавоб бердим мен ҳам.

Шухрат ўз исмини эшитиб, елкасини қисди: барчасини тушуниб ўтирибман, аммо қўлимдан ҳеч нарса келмайди.

Официант ароқ ва “Боржоми” олиб келганда, кичкина ўзбек:

— Георгий Николаевич, меҳмонлар “Киндзмараули” вносини татиб кўришганми?, — деб сўради.

— Йўқ, таъмини тотиб кўришмаган, — деди таржимон.

— “Киндзмараули” вносидан неча шиша олиб келай? — деб дарҳол сўради официант.

Софико менга қаради, мен эса чўқур хўрсиниб:

— Ҳозирча беш шиша олиб кел, қолганини кейин кўра-миз, — дедим.

Шу пайт ҳайдовчилар столига лосос балиғи ва олти банкада қора икра олиб бораётган официантга кўзим тушди. Табиийки, бу манзарани кичкина ўзбек ҳам кўрди.

— Георгий Николаевич, қаранг, бу ерда қора икра бор экан! Сўраб кўрчи, — буюрди берди таржимонга, — меҳмонлар қора икрани хуш кўришармикан?

— Хуш кўришади, — дадил жавоб берди таржимон.

— Қора икрадан қанча олиб келай? — вақтни бой бермасдан сўради официант.

Биз Софико билан кўз уриштириб олдик.

— “Энди нима бўлса бўлди, паспортимни қолдириб кетаман ва эртага омонат дафтарчамдан пул ечиб ҳисоб-китоб қиламан” — шундай қарорга келдим мен.

— Ҳаммага қора икра олиб келинсин! — буюрдим мен.

Зиёфат яхши ўтди. Софико даврабошилиқни қотирди. Оркестр “Чўқинтирган ота” ва “Мимино” фильми мусиқаларини ижро этишдан тинмади...

Зиёфат охирига етганда официантдан ҳисоб-китоб қилишни сўрадим.

Барчаси тўланган, — деди официант ва кичкина ўзбек томонга қаради.

Кичкина ўзбек эса худди гуноҳ иш қилиб қўйгандек қўлларини икки томонга ёйиб, уятчан кулимсираб қўйди холос.

**Георгий Данелиянинг  
“Кот ушел, а улыбка осталась”  
китобидан**

**Жалолiddин САФОЕВ  
таржимаси**